

Технологик машиналар ва
жиҳозлар



Робот ва манипуляторлар

2021

Ўқув услугбий мажмӯа

Муаллифлар: А.Джураев,
Ш.Мадрахимов

Мазкур ўқув услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва ўқув дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТТЕСИ т.ф.д., проф. А.Джураев
ТТЕСИ PhD, доцент Ш.Мадрахимов

Тақризчилар: т.ф.н., доцент К.Юнусов – ТТЕСИ, “Тўқимачилик матолари технологияси” кафедраси доценти.
Хорижий эксперт: т.ф.д., профессор А.Плеханов – Касигина номидаги тўқимачилик институти кафедра мудири (Россия).

Ўқув услугий мажмуа Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти услугий Кенгашининг 2020 йил 25 декабрдаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия қилинган.

I.	ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	15
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	42
V.	ГЛОССАРИЙ.....	68
VI	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	70

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги “Пахтачилик тармогини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3408-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 22 июндаги “Пахтатўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 397-сон ҳамда 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўнкимларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ушбу дастурда илмий техникавий жадаллаштиришни амалга оширишда машинасозликнинг етакчи роли, робот манипуляторларни, кўтариш-ташиш ускуналарини қўллаш, манипуляторларнинг структуравий анализи ва синтези, робот ва манипуляторларнинг кинематик таҳлили, саноат роботлари механизmlарни ва манипуляторларнинг кинетостатик ҳисоби, саноат роботларининг таркибий қисмлари, саноат роботлари аниқлиги

Робот ва манипуляторлар

манипуляторларни бошқариш системалари, саноат роботлари юритмалари бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Робот ва манипуляторлар модулнинг мақсад ва вазифалари:

Модулнинг мақсади: пахта, тўқимачилик ва енгил саноатидаги хорижий техника ва технологияларни ўрганиш.

Модулнинг вазифаси: пахтани дастлабки ишлаш, йигириш, тўқиши, тикув ва тикув-трикотаж ва ипак ишлаб чиқарувчи замонавий машина ва жиҳозлар. Пахта, тўқимачилик, енгил саноатдаги хорижий техника ва технологиялар. Уларнинг тузулиши ва ишлашини таҳлил қилиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Робот ва манипуляторлар модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- илмий техникавий жадаллаштиришни амалга оширишда машинасозликнинг етакчи ролини;
- замонавий ишлаб чиқаришда инновацион технологияларидан фойдаланишининг самарали усулларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- тўқимачилик, енгил ва пахта саноатида хорижий техника ва технологиялардан фойдаланиш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги хорижий технологик машина ва жиҳозларининг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини таҳлил қилиш ва бошқариш қўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- хорижий технологик машина ва жиҳозларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- корхоналарда машина ва жиҳозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини танлаш;

Робот ва манипуляторлар

- тўқимачилик, енгил ва пахта саноати машина ва жиҳозларининг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- робот ва манипуляторларнинг кинематик таҳлил этиш;
- тармоқ машиналари ва жиҳозларини бошқариш **компетенциялариға** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Робот ва манипуляторлар модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар, видеоматериаллар ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, «ФСМУ», “Кейс-стади”, “SWOT-таҳлил”, “Брифинг”, «Хулосалаш» (Резюме, Веер), “Ассесмент”, “Инсерт”, Венн Диаграммаси, “Портфолио” методи ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан

боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Тўқимачилик ва енгил саноатда инновацион техника ва технологиялари”, “Тармоқ машина ва жиҳозларини лойиҳалашнинг замонавий усуллари” ва “Пахта-тўқимачилик класстерлари технологик машиналари ва жиҳозлари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг шахсий ахборот майдонини шакллантириш, кэнгайтириш ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулининг олий таълимдаги ўрни

Модул тармоқдаги робот ва манипуляторлар ҳамда улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташкил этишга ва сифатини тизимли ортиришга ёрдам беради.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш машғулотлари бўйича ажратилган соатлар ҳажми

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			Аудитория ўқув юкламаси
		Жами	жумладан, назарий	амалий машғулот	
			-	-	
1.	Илмий техникавий жадаллаштиришни амалга оширишда машинасозликнинг етакчи роли. Робот манипуляторларни, кўтариш-ташиш ускуналарини қўллаш.	2	2	-	-
2.	Манипуляторларнинг структуравий анализи ва синтези.	2	2	-	-
3.	Робот ва манипуляторларнинг кинематик таҳлили.	2	2		-
4.	Саноат роботлари механизmlарни ва манипуляторларнинг кинетостатик ҳисоби.	2	-	2	-
5.	Саноат роботларининг таркибий қисмлари.	2	-	2	-
6.	Саноат роботлари аниқлиги манипуляторларни бошқариш системалари. Саноат роботлари юритмалари.	2	-	2	-
	Жами	12	6	6	-

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Илмий техникавий жадаллаштиришни амалга оширишда машинасозликнинг етакчи роли. Робот манипуляторларни, кўтариш-ташиш ускуналарини қўллаш.

Илмий техникавий жадаллаштиришни амалга оширишда машинасозликнинг етакчи роли. Робот манипуляторларни, кўтариш-ташиш ускуналарини қўллаш.

2-мавзу: Манипуляторларнинг структуравий анализи ва синтези.

Манипуляторларнинг структуравий анализи. Манипуляторларнинг структуравий синтези.

3-мавзу: Робот ва манипуляторларнинг кинематик таҳлили.

Робот ва манипуляторларнинг кинематис харакетистикалри. Сервис коэффиценти. Сервис бурчаги. Роботларнинг кинематик таҳлили.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ

1- амалий машғулот: Саноат роботлари механизмларни ва манипуляторларнинг кинетостатик ҳисоби.

Саноат роботлари механизмларни ва манипуляторларнинг кинетостатик ҳисоби ва ҳаракат тэнгламарини ўрганишдан иборат.

2- амалий машғулот: Саноат роботларининг таркибий қисмлари.

Саноат роботлари таркибий қисмлари, манипуляторларнинг конструктив элементлари, унинг ҳусусиятлари, саноат роботлари конструкциялари, ишлаш принципларини ўрганишдан иборат.

3- амалий машғулот: Саноат роботлари аниқлиги манипуляторларни бошқариш системалари. Саноат роботлари юритмалари.

Саноат роботлари аниқлиги манипуляторларни бошқариш системалари, роботларни бошқариш ва жойлаштириш схемалари, саноат роботлари юритмалари ва узатиш механизмлари, робототехникада автоматлаштириш ускуналарини ўрганишдан иборат.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни

Робот ва манипуляторлар

англаң олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сұхбатлари (күрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loydihalar echimi bўyicha daliillar va asosli argumentlarni taqdum қилиш, eshitish va muammolarni echimini topish қобiliyatini rivojlanтириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. «ФСМУ» методи.

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф

- фикрингизни баён этинг

С

- фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг

М

- кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг

У

- фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Тўқимачилик ва енгил саноат машинасозлигида инновацион техника ва технологиялар”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиши орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

Кейс. Америка Күшма Штатининг «Samuel Djekson» машинасозлик фирмаси тайёрлаган технологияси билан «Kontinental Igl» машинасозлик фирмаси тайёрлаган технологияси заводга урнатилди. Маълум вактдан кейин «Kontinental Igl» машинасозлик фирмаси тайёрлаган технология нуқсонли ишлай бошлади. Яъни технология бизни толага тўғри келмади.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Технологияни толага мослаштириш кетма-кетлигини изохлаб беринг

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурӯҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурӯхларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурӯхга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гурӯх ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурӯхлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу

“Брифинг” методи.

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Тингловчилар томонидан тўқимачилик в енгил саноат соҳалари бўйича инновацион технологиялар бўйича тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнинмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўнинмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида таълим олувчиларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

Тилчаси бор игнали машиналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини 10 та операцияси

- Тугаллаш,
- Ипни қўйиш,
- Ипни киритиш
- Илгакни сиқиши, Эски ҳалқани суриш, Ҳалқаларни бирлашиши



Қиёсий таҳлил

- Тилчали игналарда ҳалқа ҳосил қилиш жараёнини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- Икки орқа томонли (тескари) ҳалқа ҳосил қилиш жараёни изоҳланг...



Амалий қўникма

- Ясси игнадонли трикотаж машинаси stoll (германия) ни тушунтириб беринг

Вени Диаграммаси методи.

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.


Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;

Робот ва манипуляторлар

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, қўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Пиллага ишлов бериш машиналар турлари бўйича



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-Маъруза

Мавзу: Илмий техникавий жадаллаштиришни амалга оширишда машинасозликнинг етакчи роли. Робот манипуляторларни, кўтариш-ташиш ускуналарини қўллаш.

Режа:

1. Илмий техникавий жадаллаштиришни амалга оширишда машинасозликнинг етакчи роли.

2. Робот манипуляторларни, кўтариш-ташиш ускуналарини қўллаш.

1.Илмий техникавий жадаллаштиришни амалга оширишда машинасозликнинг етакчи роли.

Инсоният тарихидан маълумки, инсон ҳар доим ўз меҳнатини енгиллаштириш мақсадида турли хил машина ва механизмлар яратиб келади. Сўнги ун йилларда ишлаб чиқариш соҳалари жадаллик билан ривожланиб иш унуми янада ортиб бормоқда, маҳсулотнинг сифатига талаб кучаймоқда. Янги техник воситалар, автоматик ва ярим автоматик тарзда ишлайдиган машина ва жихозлар кўплаб яратилмоқда. Инсоннинг оғир меҳнатини машиналар эгалламоқда. Шунингдек инсонни ақлий меҳнати ҳам қатор соҳаларда машиналар зиммасига юкламоқда.

Инсонни ақлий меҳнатини самарадорлигини оширадиган сунъий курилмалар, ҳамда инсоннинг қўлини ҳаракатларини тақлидий амалга оширадиган механизмлар турлари, уларнинг тузилишини, кинематикасини, динамикасини таҳлил қилиш усулларини, янги схемаларини яратишни ўргатадиган фан роботлар ва манипуляторлар механиқасидир. Ушбу фаннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатdir:

- роботлар ва манипуляторларнинг турлари ҳақида тушунчалар;
- манипуляторларнинг техник ҳаракетистикаларини аниқлаш;
- манипуляторларни структуравий анализ қилиш;
- саноат роботлари, манипуляторларни кинематик анализ қилиш;
- манипуляторлар динамикасини таҳлил қилиш;
- роботлар ва манипуляторларни конструктив элементларини лойихалаш.

Инсонни ақлий ва жисмоний меҳнатини автоматик тарзда амалга ошира оладиган сунъий машина қурилмасига робот дейилади.

Инсоннинг қўлини функционал вазифаларини, ҳаракатларини бошқарилиш асосида амалга оширадиган механизмга манипулятор дейилади. Агарда манипулятор дастурли бошқариш тизимиға эга бўлса, уни саноат

Робот ва манипуляторлар


роботи дейилади. Манипуляторлар ҳаракати асосан фазода амалга оширилади. Манипуляторларни бошқариш асосан қўлда, автоматик ҳолда ва аралаш (комбинациялашган) ҳолда қўлланиши мумкин.

Қўл билан бошқариладиган манипуляторлар инсон-оператор қўлиниң ҳаракатлари ва таъсирини тақлидий (ухшаш) тарзда такрорлайди. Ушбу манипуляторни тақлид қилувчи манипулятор дейилади. Тақлид қилувчи манипуляторларда симметрик жойлашган иккита механизм-бошқарувчи ҳамда ижрочи механизмлардан (бошқача айтганда, топшириқ берувчи ва уни бажарувчи қўллардан) ташкил топган бўлиб, улар орасидаги боғланиш турли механиқ узатмалар орқали амалга ошади.

Манипуляторнинг хизмат қўламини инсон-оператор қўлиниң иш қўламига нисбатан катталаштириш мумкин. Бунинг учун ичида куч узатувчи алоқа воситалари бўлган труба жойлашган сферик шарнир қўлланилади. Ушбу труба бошқариш дастасининг ҳаракатларини айнан, аммо катталаштирилган ўлчамда такрорловчи, елкалари баробар бўлмаган пишанг вазифасини бажаради. Агар оператор ҳаракати ва кучини герметик (тешиксиз ва зичламаларсиз) девор орқали узатиш лозим бўлса, торецли ва цилиндрический магнитли муфталардан фойдаланилади.

Кўп ҳолларда оператордан анча узоқда жойлашган тақлид қилувчи манипуляторлар ишини бошқариш лозим бўлади; бундай масофадан бошқарилувчи манипуляторларда ҳаракат ва кучнинг узатилишини таъминловчи тақлидий системалар қўлланилади.

Автоматик бошқарилувчи манипуляторларда ижрочи механизм бўғинлари аниқ дастур бўйича юритмалардан ҳаракат олади.



1-расм.

Манипуляторлардаги юритмалар механик, электр, гидравлик, пневматик ва аралаш тарзда бўлиши мумкин. Гидроюритма оғир юкларни (50 кг ва ундан оғир) 1 м/с гача тезликда ҳаракатлантира олади.


Турли ташиш ишларини (буюм юклаш, силжитиш, олиш ва хоказо) бажариш учун мулжалланган, ҳамда узгармас дастур бўйича ишлайдиган машина-

Робот ва манипуляторлар

автоматлардақүлланиладиган, автоматик бошқариладиган манипулятор автооператор дейилади.

Саноат роботлари (СР) оддий автоматик машиналардан шуниси билан фарқ қиласы, уларнинг асосий механизмида эркинлик даражалари сони бир нечта бўлган очик кинематик занжирнинг мавжудлиги туфайли уларнинг иш органлари турли фазовий ҳаракатларни кэнг чэгараларда амалга ошира олади, бу эса уларни бошқа дастурни бажаришга тезда қайта созлашга имкон беради.

СР манипуляторининг конструктив схемалари турли тумандир. Масалан, 1-расмда, а да СР дан бирининг умумий қўриниши тасвирланган; унинг кинематик схемаси 1-расм, б да келтирилган. Бармоқларнинг ҳаракатини ҳисобга олганда ушбу СР олтида эркинлик даражасига эга. 2-расмда бармоқларнинг ҳаракатини ҳам ҳисобга олганда олтида эркинлик даражасига эга бўлган СР манипулятори механизмининг нусхаси тасвирланган. Бундай манипуляторнинг асосий элементлари: 0 – қўзғалмас станица (таянч); 1 - айланувчи стол; бўғинлар 2,3,4 дан тузилган “қўл”; 5 – “панжа”; 6 - бармоқли чанглар.



2-rasm

2. Робот манипуляторларни, кўтариш-ташиш ускуналарини қўллаш.

СР нинг ҳар бир нусхаси, одатда, ҳаракатлантириувчи объектнинг шакли ва улчамларига боғлиқ ҳолда бир қанча қисқичга-чангларга эга бўлади. Омбурсимон қамрагичлар, сурилма бармоқлар, пневмосурғичлар, электромагнитлар ва шу кабилар кўринишидаги чанглар қўлланилади. Ҳаракатлантириувчи объект билан бўладиган уриниш ҳақидаги бўлиши талаб қилинадиган ҳолларда чангларга тегишлича датчиклар ўрнатилади.

СР манипуляторининг асосий пишангли механизмларида бир қўзғалувчанликдаги илгариланма ва айланма жуфтли кинематик занжирлар

Робот ва манипуляторлар

кўпроқ қўлланилади. Сферик шарнирлар узатмалардан ҳаракат олишни кийинлаштиради, шу сабабли улар учта айланма жуфтлики кинематик бокламалар билан алмаштирилади.

Бажарувчи қурилма деб СР нинг барча ҳаракатланишларни амалга оширувчи механизмлар тушунилади.

Бошқариш қурилмаси бошқариш дастурига мос равища бажарувчи қурилмага барча бошқариш буйрукларини шакллантиради ва беради.

Ишчи орган (қисгич, пайвандлаш каллаги, краска пуркагич ва бошқ.) тўғридан тўғри технологик ёки қўшимча ишни бажарувчи манипулятор қисмидир.

Бошқариш дастури - бу буйруклар тизими бўлиб, роботни функционал вазифасини ифодалайди ва технологик жараённи амалга оширишни таъминлайди.

СР ни бошқариш адаптив, контурли ва позицион бўлиши мумкин.

СР нинг ҳар бир нусхаси, одатда, ҳаракатлантирилувчи обьектнинг шакли ва ўлчамларига боғлиқ ҳолда бир қанча қисқичга-чанглга эга бўлади. Омбурсимон қамрагичлар, сурилма бармоқлар, пневмосурғичлар, электромагнитлар ва шу кабилар кўринишидаги чангллар қўлланилади. Ҳаракатлантирилувчи обьект билан бўладиган уриниш ҳақидаги бўлиши талаб қилинадиган ҳолларда чанглга тегишлича датчиклар ўрнатилади.

СР манипуляторининг асосий пишангли механизмларида бир қўзғалувчанликдаги илгариланма ва айланма жуфтли кинематик занжирлар кўпроқ қўлланилади. Сферик шарнирлар узатмалардан ҳаракат олишни кийинлаштиради, шу сабабли улар учта айланма жуфтлики кинематик бокламалар билан алмаштирилади.

Бажарувчи қурилма деб СР нинг барча ҳаракатланишларни амалга оширувчи механизмлар тушунилади.

Бошқариш қурилмаси бошқариш дастурига мос равища бажарувчи қурилмага барча бошқариш буйрукларини шакллантиради ва беради.

Ишчи орган (қисгич, пайвандлаш каллаги, краска пуркагич ва бошқ.) тўғридан тўғри технологик ёки қўшимча ишни бажарувчи манипулятор қисмидир.

Бошқариш дастури - бу буйруклар тизими бўлиб, роботни функционал вазифасини ифодалайди ва технологик жараённи амалга оширишни таъминлайди.

СР ни бошқариш адаптив, контурли ва позицион бўлиши мумкин.

Назорат саволлари:

1. Роботлар ва манипуляторлар фанининг асосий вазифаларини кўрсатиб беринг.
2. Робот, манипулятор, саноат роботи тушунчаларини таърифлаб беринг.

Робот ва манипуляторлар

3. Ишчи орган, бошқариш қурилмаси, бошқариш дастури деганда нимани тушунасиз?
4. Работлаштиришнинг неча авлодини биласиз?
5. Сиз танлаган вазифани бажариш учун тегишли робот ёки манипулятор схемасини чиқиб кўрсатинг.



2-маъзуза.

Манипуляторларнинг структуравий анализи ва синтези.

Режа:

1. Манипуляторларнинг структуравий анализи.
2. Манипуляторларнинг структуравий синтези.

1. Манипуляторларнинг структуравий анализи.

Манипуляторнинг қисқичини С нуқтаси тезлиги тегишли координата ўқларига туширилган проекциялар бўйича олинган ҳосилалар орқали аниқланади

$$Vx = \frac{dx}{dt} = \dot{x}; Vy = \frac{dy}{dt} = \dot{y}; Vz = \frac{dz}{dt} = \dot{z} \quad (1)$$

ёки, S нуқтани абсолют тезлиги

Худди шунингдек қисқиччининг S нуқтасини абсолют тезланиши

$$a_c = \sqrt{\dot{x}^2 + \dot{y}^2 + \dot{z}^2} \quad (2)$$

Лекин цилиндрик, сферик ва ангуляр координаталар системасида ҳаракат қилувчи манипуляторлар қисқичларининг С нуқталарини тезлик ва тезланишлари мураккаб функциялар орқали аниқланади.

Амалий томондан кўп вазиятларда робот ва манипуляторларни лойиҳалашда кинематиканинг тескари масаласини ечишга тўғри келади. Бунда манипулятор қисқичининг ҳаракат қонуни, яъни координаталари олдиндан берилган бўлиб, қолган бўғинларни ҳаракат қонунлари, умумлашган координаталари аниқланади.

Умуман олганда кинематиканинг тескари масаласи уч хил вариантда қўйилиши мумкин;

1) Манипулятор қисқичининг берилган бир ҳолатига қараб манипулятор бўғинларини ҳолати аниқланади;

2) Қисқичнинг берилган бир неча ҳаракатларига қараб манипуляторнинг бир неча ҳолатлари аниқланади;

3) Манипулятор қисқичининг ҳаракат қонуни вақтга боғлик равишда берилиб $r_j=r_j(t)$, умумлашган координаталарни ўзгариш қонунлари аниқланади $\square=\square(t)$, $C=C(t)$.

Энди, манипуляторлар учун кинематиканинг тўғри масалалари бўйича ечилган натижаларни тескари томондан қараб мулохаза қиласлилек.

Тўғри бурчакли координаталар системасида ҳаракатланувчи манипулятор учун олинган (2)га асосан

$$X=S_2; \quad U=S_3; \quad Z=S_1 \quad (3)$$

$$\begin{aligned} \dot{S}_2 &= \frac{dx}{dt}; & \ddot{S}_2 &= \frac{d^2x}{dt^2} \\ \text{Бунда} \quad \dot{S}_3 &= \frac{dy}{dt}; & \ddot{S}_3 &= \frac{d^2y}{dt^2} \\ \dot{S}_1 &= \frac{dz}{dt}; & \ddot{S}_1 &= \frac{d^2z}{dt^2} \end{aligned} \quad (4)$$

Худди шунингдек, цилиндрик координаталар системасида ҳаракатланувчи манипулятор учун.

$$X_c = S_3 \cos \varphi; \quad Y_c = S_3 \sin \varphi; \quad Z_c = S_2$$

$$\text{yoki } X_c^2 + Y_c^2 = S_3^2; \quad \operatorname{tg} \varphi = \frac{Y_c}{X_c} \text{ dan}$$

$$S_3 = \sqrt{X_c^2 + Y_c^2}; \quad \varphi = \operatorname{arctg} \frac{Y_c}{X_c}; \quad S_2 = Z_c \quad (5)$$

Умумлашган координаталарнинг тезликлари

$$\begin{aligned} \frac{ds_2}{dt} &= \frac{dZ_c}{dt} = V_{cz}; \\ \frac{ds_3}{dt} &= \frac{(V_{cx} + V_{cy}) - (\cos \varphi - \sin \varphi) \dot{\varphi} \sqrt{X_c^2 + Y_c^2}}{\cos \varphi + \sin \varphi} \\ \dot{\varphi} &= \frac{X_c Y_c - Y_c V_{cx}}{X_c^2 + Y_c^2} \end{aligned} \quad (6)$$

Манипулятор ҳаракати сферик координаталар системасида бўлган умумлашган координаталар ва уларнинг тезликлари қуидагилардан аниқланади.

$$X_c^2 + Y_c^2 = S_3^2 \cos^2 \varphi; \quad \operatorname{tg} \varphi_1 = \frac{Y_c}{X_c} \quad (7)$$

$$(Z_c - l_1)^2 = S_3^2 \sin^2 \varphi$$

$$\text{бундан, } S_3 = \sqrt{X_c^2 + Y_c^2 + (Z_c - l_1)^2} \quad (8)$$

$$\begin{aligned} S_3 \sin \varphi_2 &= Z_c - l_1 \\ \text{yoki } S_3 \cos \varphi_2 &= \sqrt{X_c^2 + Y_c^2} \\ \operatorname{tg} \varphi_2 &= \frac{Z_c - l_1}{\sqrt{X_c^2 + Y_c^2}} \end{aligned} \quad (9)$$

Олинган (6.5), (6.6), (6.7)ларни таҳлил қиласиз. X_c , Y_c , Z_c координаталар қуидаги шартни қаноатлантириши керак

$$(S_3)_{\min} \leq [X_c^2 + Y_c^2 + (Z_c - l_1)^2]^{\frac{1}{2}} \leq (S_3)_{\max}$$

бу ерда, (S3) мин ва (S3) мах – манипулятор қўлини минимал ва максимал чиқиш масофаси. арстгҳ қийматлари – $\frac{\pi}{2}$ ва $\frac{\pi}{2}$ оралиғида бўлишини ҳисобга олсак – $\pi < \varphi_1 < \pi$, у ҳолда

$$\varphi_1 = \begin{cases} \operatorname{arctg}\left(\frac{Y_c}{X_c}\right), & X_c > 0 \\ \pm\frac{\pi}{2}, & X_c = 0 \\ \operatorname{arctg}\left(\frac{Y_c}{X_c}\right) \pm \pi & X_c < 0 \end{cases} \quad (10)$$

Худди шунингдек

$$\varphi_2 = \begin{cases} \operatorname{arctg}\frac{Z_c - l_1}{\sqrt{(X_c^2 + Y_c^2)^2}}, & \\ \frac{\pi}{2}, & X_c = Y_c = 0. \end{cases} \quad (11)$$

Тезликлари қўйидаги ифодалардан аниқланади.

$$\left. \begin{aligned} \dot{S}_3 &= (v_{cx} \cos \varphi_1 + v_{cy} \sin \varphi_1) \cos \varphi_2 + v_{cz} \sin \varphi_2, \\ \dot{\varphi}_1 &= \frac{v_{cy} \cos \varphi_1 - v_{cx} \sin \varphi_1}{S \cos \varphi_2}, \\ \dot{\varphi}_2 &= \frac{1}{S_3} [v_{cx} \cos \varphi_2 - (v_{cx} \cos \varphi_1 + v_{cy} \sin \varphi_1) \sin \varphi_2] \end{aligned} \right\} \quad (12)$$


Худди шунингдек 5.6-расмдаги манипулятор учун, умумлашган координаталар.

$$\left. \begin{aligned} \varphi_{10} &= \operatorname{arctg}\left(\frac{Y_c}{X_c}\right), \\ \varphi_{21} &= \operatorname{arctg} \frac{Z_c - l_1}{\sqrt{(X_c^2 + Y_c^2)^2}} \pm \arccos \frac{l_2^2 - l_3^2 + X_c^2 + Y_c^2 + (Z_c - l_1)^2}{2l_2 \sqrt{X_c^2 + Y_c^2 + (Z_c - l_1)^2}}, \\ \varphi_{32} &= \pm \left[\pi - \arccos \frac{l_2^2 + l_3^2 - X_c^2 - Y_c^2 - (Z_c - l_1)^2}{2l_2 l_3} \right] \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

Тезликларнинг ифодалари

$$\left. \begin{aligned} \dot{\varphi}_{10} &= \frac{v_{cy} \cos \varphi_{10} - v_{cx} \sin \varphi_{10}}{l_2 \cos \varphi_{21} + l_3 \cos(\varphi_{21} + \varphi_{32})}, \\ \dot{\varphi}_{21} &= \frac{(v_{cx} \cos \varphi_{10} + v_{cy} \sin \varphi_{10}) \cos(\varphi_{21} + \varphi_{32}) + v_{cz} \sin(\varphi_{21} + \varphi_{32})}{l_2 \sin \varphi_{32}}, \\ \dot{\varphi}_{32} &= \frac{1}{l_3} \left\{ -\frac{(l_3 + l_2 \cos \varphi_{32})}{l_2 \sin \varphi_{32}} [(v_{cx} \cos \varphi_{10} + v_{cy} \sin \varphi_{10}) \sin(\varphi_{21} + \varphi_{32}) + v_{cz} \sin(\varphi_{21} + \varphi_{32})] - \right. \\ &\quad \left. - (v_{cx} \cos \varphi_{10} + v_{cy} \sin \varphi_{10}) \bullet \sin(\varphi_{21} + \varphi_{32}) + v_{cz} \cos(\varphi_{21} + \varphi_{32}) \right\} \end{aligned} \right\} \quad (14)$$

Манипуляторнинг танланган тузилиш схемасида кўрсатилган иш доираси бўйича бўғинларнинг ўлчамларини аниқлаш учун юқорида баён этилган координаталарни ўзгартирishiшнинг матрица усулини татбиқ етилган. У ҳолда унинг ҳолат функциясини тадқиқ етиш лозим. Масалан, 1-расмда тасвирланган, эркинлик даражалари учта бўлган манипулятор чангали D нуқтасининг ҳолат функцияси унинг радиус-вектори $\bar{\rho}_D$ нинг умумлашаган координаталарга ҳамда l_{BC} va l_{SD} бўғинларнинг узунлигига боғлиқлиги бўлади. Очиқ кинематик занжирли ушбу механизм зўриқтирмасдан йифилганлиги сабабли статик аниқ, ҳамда ортиқча боғламаларсиз бўлади ($\kappa=0$). Механизмда учта бир қўзгалувчанликдаги жуфтлик бўлиб, уларнинг иккитаси (A,S) айланма ва биттаси (B) илгариланмадир.



1-расм.

Умумлашганкоординаталарсониучта:

φ_{10} -бо'г'in 1 нингтаянч 4 га нисбатан бурилиш бурчаги;

z_{21} -бо'г'in 2 нингбўгин 1 га нисбатан чизиқли силжиши;

φ_{32} -бўгин 3 нингбўгин 2 ганисбатанбурилишбурчаги.

Эркинлик даражалари сони $W=3$ эканлиги Малишев формуласи билан хам тасдиқланади:

$$W = 6n - \left[\sum_{i=1}^5 (6-i)p_i - q \right] = 6 \cdot 3 - 5 \cdot 3 = 3$$

$O_1x^{(1)}u^{(1)}z^{(1)}$ координаталар системаси з(1) ўқ атрофида айланувчи бўғин 1 билан боғланган;

$O_2x^{(2)}u^{(2)}z^{(2)}$ координаталар системаси бўғин 1 га нисбатан тўғри чизиқ бўйича харакатланувчи бўғин 2 билан боғланган;

$O_3x^{(3)}y^{(3)}z^{(3)}$ координаталар системаси $x^{(3)}$ ўқ атрофида айланувчи бўғин 3 билан боғланган.

$z^{(0)}, z^{(1)}, z^{(2)}$ ўқлар устма-уст жойлашади ,

$x^{(1)}, x^{(2)}, x^{(3)}$ ўқлар ўзаро параллелдир .

$\bar{\rho}_D^{(0)} = \bar{\rho}_D^{(0)}(\varphi_{10}, z_{21}, \varphi_{32})$ холат функцияси матрица шаклида қўйидаги кўринишни олади:

$$\bar{\rho}_D^{(0)} = T_{10} T_{21} T_{32} \bar{\rho}_D^{(3)},$$

бу ерда

$$p_D^0 = \begin{bmatrix} x_D^0 \\ y_D^0 \\ z_D^0 \\ 1 \end{bmatrix}; \quad T_{10} = \begin{bmatrix} \cos \varphi_{10} & -\sin \varphi_{10} & 0 & 0 \\ \sin \varphi_{10} & \cos \varphi_{10} & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{bmatrix};$$

$$T_{21} = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & z_{21} \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{bmatrix}; \quad T_{32} = \begin{bmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & \cos \varphi_{32} & -\sin \varphi_{32} & l_{BC} \\ 0 & \sin \varphi_{32} & \cos \varphi_{32} & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{bmatrix}; \quad (15)$$

$$p_D^{(3)} = \begin{bmatrix} 0 \\ l_{CD} \\ 0 \\ 1 \end{bmatrix}.$$

T10, T21, T32 матрицалардаги тўртинчи қатор (0001) ва устунли матрицалардаги 1 рақамли айниятли ўзгаришга (1□1) олиб келади. Улар матрицалар квадрат тарзда бўлиши, ҳамда матрицаларни қўпайтириш мумкин бўлиши учун киритилган.

Матрицалар маълум қоида қаторни устунга қўпайтири қоидасига мувофиқ қўпайтирилади. (4.32) формуладаги матрицаларни кетма-кет тартибда қўпайтириш натижасида қуйидаги тэнглик ҳосил бўлади:

$$\begin{bmatrix} x_D^{(0)} \\ y_D^{(0)} \\ z_D^{(0)} \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} -l_{BC} \sin \varphi_{10} - l_{CD} \sin \varphi_{10} \cos \varphi_{32} \\ l_{BC} \cos \varphi_{10} + l_{CD} \cos \varphi_{10} \cos \varphi_{32} \\ z_{21} + l_{CD} \sin \varphi_{32} \\ 1 \end{bmatrix},$$

бинобарин, $0x^{(0)}u^{(0)}z^{(0)}$ қўзғалмас системада D нуқтанинг изланаштган координаталари қуйидагиларга тэнг:

$$\left. \begin{aligned} x_D^{(0)} &= -l_{BC} \sin \varphi_{10} - l_{CD} \sin \varphi_{10} \cos \varphi_{32}; \\ y_D^{(0)} &= l_{BC} \cos \varphi_{10} + l_{CD} \cos \varphi_{10} \cos \varphi_{32}; \\ z_D^0 &= z_{21} + l_{CD} \sin \varphi_{32}. \end{aligned} \right\} \quad (16)$$

Умумлашаган координаталарнинг бир қанча оддий қийматларида (4.33) формулаларнинг ва механизм кинематик схемасининг (4.6-расм) ўзаро мослигини текшириб кўриш фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан, $\varphi_{10}=\varphi_{32}=0$ бўлганда: $x_D^{(0)}=0$; $y_D^{(0)}=l_{BC}+l_{CD}$; $z_D^{(0)}=z_{21}$ бўлади; $\varphi_{10}=\varphi_{32}=270^\circ$ бўлганда эса $x_D^{(0)}+l_{BC}$; $y_D^{(0)}=0$; $z_D^{(0)}=z_{21}-l_{CD}$ бўлади. Д нуқта координаталарининг ўзгариш чегаралари маълум бўлса, (4.33) муносабатлар ёрдамида бўғинлар лБС,лСД узунлигининг керакли қийматларини ҳамда φ_{10} , z_{21} ва φ_{32} умумлашган координаталарнинг ўзгариш чегараларини танлаб олиш мумкин.

Манипулятор чангалининг ҳамда алохида бўғинларининг ҳаракат тезлиги каби техник кўрсаткич катта ахамиятга эга. Бунда энг юқори ҳаракат тезлиги манипулятордаги иш жараёнининг тарзи ва юритманинг қуввати билангина эмас, балки хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлик шароити билан ҳам белгиланади.

Агар умумлашган координаталарнинг вақтга боғликлари маълум бўлса, у ҳолда тезлик ҳолат функциясини вақт бўйича дифференциаллаш орқали аниқланади. Масалан, эркинлик даражаси учта бўлган кўриб чиқилган манипулятор учун чангл Д нуқтаси тезлиги векторнинг координаталар ўқига проекцияларининг берилган $\varphi_{10}(t)$ $z_{21}(t)$ ва $\varphi_{32}(t)$ муносабатларида (4.33) тэнгламани вақт бўйича диффериенциаллаб ушбуни ҳосил қиласиз;


$$\left. \begin{aligned} v_{DX} &= x_\partial^{(0)} = -\omega_1 \cos \varphi_{10} (l_{BC} + l_{CD} \cos \varphi_{32}) + \omega_{32} l_{CD} \sin \varphi_{10} \sin \varphi_{32}; \\ v_{Dy} &= y_\partial^{(0)} = -\omega_1 \sin \varphi_{10} (l_{BC} + l_{CD} \cos \varphi_{32}) - \omega_{32} l_{CD} \cos \varphi_{10} \sin \varphi_{32}; \\ v_{DZ} &= z_D^{(0)} = v_{21} + \omega_{32} l_{CD} \cos \varphi_{32} \end{aligned} \right\} \quad (17)$$

Д нуқта тезлиги векторининг катталиги ва йўналишини қуидаги формулалардан топамиз:

$$\begin{aligned} v_D &= \sqrt{v_{DX}^2 + v_{Dy}^2 + v_{Dz}^2}, \quad \cos \alpha = v_{DX} / v_D, \\ \cos \beta &= v_{Dy} / v_D, \quad \cos \gamma = v_{DZ} / v_D \end{aligned} \quad (18)$$

бу ерда α , β , γ - тезлик векторининг йўналтирувчи бурчаклари. (4.34), (4.35) формулаларга асосан муайян сон қийматларини аниқлаш натижасида чангл Д нуқтасининг энг катта тезлиги ва тезликнинг ўзгариш тарзини баҳолашга имкон туғилади.

Қўзғалувчанлик даражаси б га тэнг бўлган саноат роботининг кинематик таҳлилини кўриб чикамиз. Ушбу манипуляторнинг кинематик схемаси 4.7-расмда келтирилган.



4.7-rasm.

Кўрилаётган манипулятор иккита илгариланма-қайтма ва 4 та айланма В-синф кинематик жуфтлардан, 6 та қўзғалувчан бўғинлардан иборатdir.

$$W=6n-5p_5-4p_4-3p_3-2p_2-p_1=6\cdot6-5\cdot6=6$$

Манипулятор қисқичи андозани ўшлаган деб бир бутун бўғин деб хисоблайлик. Манипулятор таянчидан ОХУЗ қўзғалмас координата системасини ўтказайлик. Қолган координата системалари қўзғалувчан бўлади. Тўртинчи поғонали матрица усулинни қўллаб, координаталар системаларига келтиришни ёзамиз.

$$\begin{aligned}
 A_{01} &= \begin{vmatrix} \cos\varphi_1 & -\sin\varphi_1 & 0 & 0 \\ \sin\varphi_1 & \cos\varphi_1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix} & A_{12} &= \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 1 & l_2 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix} \\
 A_{23} &= \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & S_2 \\ 0 & 1 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix} & A_{34} &= \begin{vmatrix} 1 & 0 & 0 & 0 \\ 0 & \cos\varphi_4 & -\sin\varphi_4 & 0 \\ 0 & \sin\varphi_4 & \cos\varphi_4 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 1 \end{vmatrix} \\
Ишдан мақсад: Саноат роботлари аниқлиги манипуляторларни бошқариш системалари, роботларни бошқариш ва жойлаштириш схемалари, саноат роботлари юритмалари ва узатиш механизмлари, робототехникада автоматлаштириш ускуналарини ўрганишдан иборат.

Ишнинг баёни

Саноат роботлари аниқликлари кўрилаётганда асосан кинематик ҳарактеристикаларни дастурда белгиланганидан фарқи инобатга олинади. Умуман хатоликларни координаталарни, тезлик ва тезланишларни мос тушмаслиги бўйича фарқ қилинади.

Манипуляторни кинематик ҳарактеристикалари кўп аргументли функциялар бўлиб, уларни икки гурухга бўладилар;

- 1) механизмнинг геометрик параметрлари;
- 2) умумлашган координаталар, тезлик ва тезланишлари.

Шунинг учун саноат роботларини хатоликларини аниқлашда, уларни пайдо бўлиш манбааларига қараб геометрик ва кинематик хатоликларни фарқлашади. Кинематик ва геометрик хатоликлар бўлиш сабаблари кўпdir. Жумладан геометрик хатоликлар асосан манипулятор қисқичларини тайёрлашдаги ва йиғилишдаги хатоликлардан, статик ва динамик кучлар таъсирида бўғинларни деформацияланишидан ҳосил бўлади.


Кинематик хатоликларга ҳам тайёрлашни аниқламаслиги, кинематик жуфтлардаги бўшлиқлар кабилар орқали пайдо бўлади. Бунда, тайёрлашдаги аниқмасликлар технологик хатоларга, деформациялар эса динамик хатоликларга киради.

Механизмлардаги хатоликларни ҳисоблаш усулларини Н.Г. Бруевич ва В.М. Сергеевлар таклиф қилишган. Манипулятордаги аниқликларни баҳолашни ҳам ушбу услублардан фойдаланиб белгилаш мумкин.

Автоматик бошқариладиган саноат роботлари (СР) нинг манипуляторларида автоматик бошқариш системалари иш тартибининг (режимининг) икки тури фарқ қилинади: ўрганиш тартиби ва иш тартиби. Ўрганиш тартибida оператор маҳсус система ёрдамида манипуляторнинг ижрочи механизмини бўғинларнинг талаб қилинувчи иш ҳолатлари кетма-кетлиги орқали ўтказади; бу система бўғинларининг ҳаракатлари қайд этувчи датчикларни, ҳамда датчиклар ахборотини магнитли лентага ёки перфолентага ёзиб борувчи қурилмани ўз ичига олади. Бўғинларнинг ҳолатлари датчикларидан олинган маълумотлар кодларга айлантирилади

Робот ва манипуляторлар

(шифрланади) ва муайян программа тарзида хотира қурилмасига келиб тушади. Иш тартибида манипулятор ушбу программа бўйича автоматик ишлайди. Бунда бояги кодланган программа расшифровка қилинади ва бўғинларнинг талаб қилинувчи ҳаракатларига айлантирилади.



1-rasm.

1-расм, (а)да юритмали саноат роботларидан бирининг кинематик схемаси, 6.1-расм, (б)да эса ундаги асосий пишангли механизминг тузилиши схемаси ҳамда манипуляторни автоматик бошқаришнинг соддалаштирилган блок-схемаси келтирилган. СР манипулятор (9.1-расм, а) 5 та эркинлик даражасига ($\omega=5$) ва шунга мос равишда 5 та алоҳида юритмага эга: D₁, D₂, D₃, D₄- электр двигателлар, D₅- пневмоюритма. D₁ двигател червякли узатма орқали бўғин 1 ни вертикал ўқ атрофида айлантиради ; D₂ двигател винтли узатма (винт-гайка) ёрдамида бўғин 2 ни илгариланма (юқорига ва пастга) ҳаракатланади; D₃ двигател ана шундай узатма ёрдамида бўғин 3 га горизонтал илгариланма ҳаракат (чапга ва ўнгга) беради; D₄ электр юритма червякли узатма воситасида чангаль 4 ни горизонтал ўқ атрофида айланма ҳаракатга келтиради; D₅ пневмоюритма поршенинг илгариланма ҳаракатини пишангли (ричагли) механизм воситасида ўзгартириш орқали чангаль 5 нинг жағларини очиб-ёпди.

1-расм, (б)да кўрсатилишича, бошқариш системаси силжиш датчикларининг ўзгартирилган сигналлар y₁ электр кучланишлари тарзида тегишли юритмаларга узатилади, улар эса бўғинларга маълум моментлар ёки кучлар билан таъсир қилиб уларни керакли масофага суради. Ҳар бир электр двигателнинг айланиш тезлиги двигател юқорига бериладиган кучланиш билан ростланади. Бу кучланиш бўғинларида жойлашган ҳолат датчиклар орқали бошқарилади.

Қўл билан бошқариладиган СР да оператор бошқариш механизмининг бўғинларига таъсир этиб ижрои механизмининг бўғинларига таъсир этиб ижрои механизм бўғинларини ҳаракатга келтиради. Ҳаракат пишангли, тишли, тўлқинли, винтли ўзатмалар, эгилувчан сим валлар, бошқа турдаги механик элементлар ва турли муфталар орқали узатилиши мумкин. Зарурат

Робот ва манипуляторлар

туғилганда оператор қўлининг ҳаракати ва кучини ошириш мақсадида манипуляторда электр, гидравлик пневматик сервоюритмалар (ёрдамчи юритмалар) қўлланилади. Улар бошқарувчи механизм бўғинлари ҳаракатланганда ҳосил бўладиган сигналларга кўра ижрои механизминг алоҳида бўғинларини ҳаракатга келтиради.

Тақлид қилувчи манипуляторларни қўл билан бошқариш системаларига нисбатан ўзига хос талаб қўйилади: улар «сезгиранган» бўлиши керак, яъни инсон-оператор ҳаракатлантирувчи объект фақатгина силжишини эмас, балки манипулятор чангалига таъсир этувчи куч ёки моментни хам сезиши лозим.

Тақлид қилувчи манипуляторни бошқариш учун тақлидий куч системасининг икки тури қўлланилади. Уларнинг биринчисида кучлар пассив тарзда қайтади, бунда оператор ижрои органдаги кучини фақат унинг ҳаракатланиш жараёнида сезади; иккинчисида куч актив тарзда қайтади. Бунда оператор ижрои органдаги кучни (ёки моментни) унинг ҳаракатланишда хам, тўхтаб турганда хам сезади.

Шундай қилиб одатдаги автоматик ростлаш системалардан фарқли равишда бу системалар фақат ҳолат бўйича бошқарибгина қолмай балки кучларни узатиш (қайтариш) хусусиятига хам эгадир.

Ижрои органда вужудга келадиган кучни оператор валида хам ҳосил қилиш учун момент юклагичлари ёки бўлмаса юклаш имитаторлари хизмат қилади.

Момент юклагичлари сифатида фрикцион ёки кукунли электромагнитли муфталар ҳамда электрогидравлик юклагичлар қўлланилади. Фрикцион электромагнитли муфталар қўлланилганда муфтанинг бир бўлаги қўзғалмас қилиб қотирилиб, иккинчи бўлаги эса оператор валиги уланади. Юкланиш ҳамда унга мос бошқариш сигнални бўлмагандан муфта бўлаклари бир-бирига нисбатан эркин сирпанади. Бунда оператор ўз валигидаги юкланишини сезмайди. Моментлар ўлчагичлардан (датчиклардан) муфта бўлакларидан биридаги бошқариш ўрамларига сигнал берилганда унинг магнит занжирида магнит оқими пайдо бўлиб, у муфтанинг қўзғалувчи қисмига таъсир этган ҳолда уни қўзғалмас қисмига қисиб қўяди. Сигнал қанчалик кучли бўлса, оператор шунчалик катта моментни сезади.


Кукунли электромагнитли муфтанинг ишлаш асоси хам шу кабидир. Ферромагнит материал (масалан, темир) қукуни муфтанинг ҳаракатланувчи бўлаклари орасига жойланади. Ток уланганда электромагнит ўрамларида ҳосил бўладиган магнит майдон кукунига таъсир этади. Моментлар датчиги ёрдамида ўлчанадиган юкланишнинг ошиши билан уйғотувчи ток ҳамда уринувчи иш тирқищдаги магнит индукцияси кучаяди, етакланувчи қисмни

Робот ва манипуляторлар

қўзғалмас магнит ўтказгичга нисбатан силжтиш учун зарур бўладиган тангенциал куч ортади, натижада валидаги қаршилик моменти кучаяди.

Электрогидравлик пассив юклагичнинг схемаси 2-расм б да келтирилган. Оператор томонидан валига M_{op} момент ва шток 1 га мос тарздаги куч қўйилганда иш суюқлиги (масалан, мой) билан тўлдирилган гидроцилиндрдаги поршен сурилиб суюқликни каналлар 3,8 орқали цилиндрнинг бир бўшлиғидан бошқасига хайдайди. Агар юкланиш валидаги моментлар датчигидан (2-расм, а) сигнал келмаса, у ҳолда юклагични бошқариш ўрами 5 даги ток нолга тэнг бўлади. Бунда марказловчи пружина 4 айланга ариқчали золотник 7 ни нейтрал (ўрта) ҳолатда тутиб туради. Унинг бу ҳолатида каналлар 3,8 очиқ бўлиб, суюқликнинг оқимига қаршилик жуда кам бўлади ва оператор кичик кучни сезади. Агар ижрочи органда M_y момент тарзида юкланиш золотникни бошқариш ўлчамида ток пайдо бўлади. Шунда золотник 7 ўзидаги куч пружина кучи билан мувозанатлангунга қадар х ўки йўналишида силжийди. Натижада золотник каналлар 3,8 ни қисман ёпиб қўяди, иш суюқлиги ҳаракатига қаршилик ортади ва оператор юкланиш валидаги M_{yu} моментнинг ошганлиги юклагич вужудга келтирадиган M_k қаршилик моменти тарзида сезади. M_{yu} момент қанчалик кўп бўлса, M_k момент хам шунчалик кўп бўлади. Золотникнинг энг катта сурилишини тирак б чеклаб туради. Кучни пассив қайтарадиган системанинг ҳаракатланган вақтдагина сезади; бундан ташқари, юкланиш моментининг ишораси қайд этилмайди, натижада оператор юкнинг кўтарилаётганлиги ёки тушаётганлигини фарқлай олмайди (куч бўйича).

Кучни пассив қайтарувчи тақлидий системанинг блок-схемаси 2-расм, а да келтирилган.



2-расм.

Юкланиш валига қандайдир M_{yu} момент қўйилган ва оператор ушбу вални φ_{yu} бурчакка буриш лозим бўлсин. Бу ҳолда у бошқариш валини $\varphi_{op}=\varphi_{yu}$ бурчакка буради, буни ҳолат датчиги UD қайд қиласди. φ_{op} бурчакка мутаносиб бўлган сигнал қувват кучайтиргичи QK га, кейин ижрочи органга, яъни D двигателга келади, бу двигател юкланиш валини берилган $\varphi_{yu}=\varphi_{op}$ бурчакка

Робот ва манипуляторлар

буради ва $M_x=M_{yu}$ моментни ҳосил қиласи; ушбу момент моментлар датчиги МД билан ўлчанади ҳамда юқорида айтиб ўтилганидек, юклагич Yu томонидан қайд этилади, натижада оператор ҳаракатлантирилувчи объектдан юкланиш катталиги хақида ахборотга эга бўлади.

Тақлид қилувчи манипуляторларда юкланиш вали оператор валининг берилган бурилиш бурчагига бурилиши учун селсинли тақлидий системадан (2-расм, в) хам фойдаланилади. Бу система валнинг бурилиш бурчагини масофага равон узатилишини таъминловчи ўз-ўзидан синхронланадиган электрмашинадир. Селсин-датчик (узаткич) ва селсинг-қабул қилгич ўрамлари фақат индуктив тарзда боғланган статор ва ротор орқали битта электр тармоғидан ток билан таъминланади. Селсин-датчик ротори Φ_{op} бурчакка бурилганда занжирдаги мувозанат ўзгаради ва мувозанатланувчи токлар вужудга келиб, улар селсин-қабул қилгич роторини $\Phi_{yu} \approx \Phi_{op}$ бурчакка буради; катта бўлмаган механик юкланишда $\Phi_{op}-\Phi_{yu}$ фарқи кам (1-20) бўлади; агар юкланиш катта бўлса, кучайтиргичдан фойдаланилади, селсин қабул қилгич эса ҳаракатни фақат трансформатор тартибида бошқаради.

Бундай системаларнинг динамикаси анча мураккаб, чунки ҳаракат тэнгламасида оператор вали билан боғлиқ бўлган келтирилган инерция моментлари J_{op} ва J_{yu} ни, бугинлар эластиклигини, механизмлардаги ишқаланишни, электр машиналарнинг динамик хусусиятларни ҳисобга олиш тўғри келади.

3. Робототехника ишлаб чиқариш жараёнига кэнг кириб бормоқда. Роботларни бошқариш тизимини яратиш катта сарф ҳаражатларни талаб қиласи. Дастурли бошқариш тизими бўлган роботларнинг асосий камчиликларидан бўлган бири албатта юқори малакали операторнинг бўлиши шартлигидадир. Роботларни ишлатиш жараёнида турли ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу анча қийинчиликларга олиб келади. Умуман иш жараёнида қуйидаги ноаниқликлар бўлиши мумкин:

- 1) Технологик мухитни кутилмаган ҳолда параметрларини ўзгариши.
- 2) Робот ҳаракат давомида силжиши телиги ва тезланишини белгиланган чэгарадан чиқиб кетиши билан боғлик ноаниқликлар.
- 3) Информация узатиш тармокларидағи кутилмаган ўзгаришлар.
- 4) Роботни ишдан тўхтаб қолиши бўйича барча техник носозликлар.

Ушбу носозликлар натижасида иш режими бузилади. Шунинг учун, яъни робот бир текисда ишлашини таъминлаши учун у қўшимча сўзлагичлар, адаптив тузилмалар билан жихозланиши зарур. Бунда робот автоматик равищда иш режимини ўзи созлайди. Бундай роботларни мослашган бошқаришли роботлар дейилади. Лекин хозиргача ушбу бошқариш тизимларнинг чуқур назарий асослари ишлаб чиқилмаган.

Технологик жараёнларнинг тегишли параметрларини сезиларли даражада ўлчаш, бошқариш компьютер ёрдамида амалга оширилади. Ушбу бошқаришни сифати маҳсулот сифатига тўғри таъсир қиласи. Бунда қатор тегишли маълумотлар (информация) бериб турилиши зарур.

З-расмда саноат роботларининг информацион системалари классификацияси.

1. Таҳлил шуни кўсатдики, роботларни сезгираштириш қуйидаги тарафларда жуда қўл келади: метрик йиғишда, пайвандлашда, кислород билан кесишида, деталларни тақсимлашда ва бошқалар.

СР информацион специаларни классификацияси асосан учта гурухга бўлинади:

а. Сенсорли қурилмалар (объектни геометрик хусусиятларини аниқлашда).

б. Сенсорли қурилмалар(объектларни бошқа физик хусусиятларини аниқлашда).

с. Сенсор қурилмалар (объектларни химик хусусиятларини аниқлашда).

Сенсор қурилмаларни тегишли датчиклар орқали узоқ масофалардан хам параметрларини аниқлайди. Ушбу қурилмалар классификацияси 2-расмда келтирилган.


Сенсор қурилмалари актив ва пассив бўлиши мумкин:

Актив - дастлабки сигналларни ўлчаб узатади.

Пассив – фақат қабул қилиш қурилмасидан иборат.

Бунда асосий элемент датчиклар хисобланади.

4. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг характеристикаларига (катта-кичиклиги, оғир-енгиллиги, мураккаблиги, материали кабилар) боғлиқ ҳолда керакли ускуналарни, робот ва манипуляторларни жойлаштириши, компановкаси амалга оширилади. Бунда технологик жараёнларни, операция ва отишларни турлари СР кетма-кетлигини таъминлайди.




3-расм.

Совуқ усулда штамплашнинг бир оқимли роботлаштирилган технологик чизиқ компановкаси келтирилган.

Робот ва манипуляторлар


3-расмда ТУ – технологик ускуна, СР – саноатроботи, ЯАМ – якка ҳолда андозани тақсимлаш магазини.

Ушбу схемада операциялар орасидаги транспорт воситалари мавжуд емас. Кейинги 4-расмда технологик жараёнлар, операциялар орасидаги транспорт воситалари мавжуд бўлган бир оқимли схема келтирилган. Схемада ТУ - технологик ускуна, СР – саноат роботи, ЯАМ – якка ҳолда андозани тақсимлаш магазини, ТВ – транспорт воситалари.




4-расм

Юқорида келтирилган ҳар иккала схема ишлаб чиқаришда жуда кўп ишлатилади.



5-расм

5-расмда ҳаракатланувчи саноат роботини таркибига олган бир оқимли технологик чизиқ компановкаси келтирилган.




6-расм

6-расмда роботлаширилган технологик оқимнинг чизиқли айланма компановкаси схемаси кўрсатилган.

Робот ва манипуляторлар

Ушбу расмда, АС – автоматлаштирилган андозалар сиқилади, ТВ – транспоорт воситалари, ХСР - ҳаракатланувчи саноат роботлари, ТУ – технологик ускуналар, М – андозалар магазини.



7-расм

7-расмда ишлаб чиқариш йиғув сехининг роботлаштирилган айланма оқимли компоновкаси схемаси келтирилган. Бу ерда, РС – роботли (айланма) стол, М – андозалар магазини, БКС – бошқариладиган кординатли стол, БҚ – бошқариш қурилмаси, СБ – сонли бошқариш қурилмаси.

Юқорида кўриб чиқилган СР жойлаштириш схемалари кўп тарқалган бўлиб, технологик жараёнларни ҳолатига қараб такрорланиши ва ўзаро боғланган бўлиши мумкин. Автоматлаштирилган ишлаб чиқаришда кўрилган схемалар билан бирга автоматик бошқариш системалари (АСУ) кэнг кўлланилади.

СР ларни сезгирилиги ва бошқариш тизимларининг ўрни автоматик ишлаб чиқаришда қанчалик зарур эканлиги, шу билан бирга СР ларине жойлаштириш ишлаб чиқариш технологик жараёнларга боғлиқлиги, зарурлиги кўриб чиқилди. Улар автоматик ишлаб чиқаришни пойдевори ҳисобланади.

Кўтариш-ташиш ва ташиш ишларини механизациялаш ва автоматлаштириш.

Саноатда ишлаб чиқариш жараёнини тўла механизациялаш ва автоматлаштриш ЙКТММ машиналари иштирокисиз амалга ошириш қийин. Холбуки, хомашё ва бутловчи маҳсулотларни корхонага олиб келиб уни омборга тушириш ва омбордан олиб бутун технолог жараёнлар орқали ўтказиб тайёр маҳсулотни омборга жойлаштриш ишларида кўтариш - ташиш - тушириш операциялари мавжуд. Ишлаб чиқариш конвеер усулида бўлади. У технологик жараён занжирининг бир бўлаги бўлиб хизмат қиласи, яъни у

Робот ва манипуляторлар

технологик асбоб ускуна сифатида ишлайди. Демак ишлаб чиқариш жараёнини тўла механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун ЙКТТММ лари конструкциясини такомиллаштириш ва уни бошқарув ишларини автоматлаштириш катта аҳамиятга эга. Бундай ишлар ишлаб чиқариш жараёнидаги қўл меҳнатини озайтиради ёки бутунлай йўқотади. Маҳсулот сифатини яхшилайди, пироворд натижада ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади. Маҳсулот тан нарҳини камайтиради.

Машина ишлари бошқарувини автоматлаштириш.

Машина ишлари бошқарувини автомоатлаштириш ишларига катта эътибор берилмоқда, чунки мукаммал бошқарув тизими машинанинг иш унумдорлигини ва хизмат муддатини кўпайтиришга, унга хизмат қилувчилар иш шароитини яхшиланишига олиб келади. Кўпчилик ҳолатларда машинани бошқариш метал конструкциясига маҳкамланган кабинадан олиб борилади. Бажариладиган иш майдонини назорат қилишда қулайлик ва осонликни таъминлайдиган кабина кранчини иш қобилиятини ва краннинг иш унумини оширади. Нормал температура, тоза ҳаво, енгил режимда, ёпиқ жойда, кичикроқ тезлик ва кўтариш қувватида ишлайдиган кранларда очиқ ёки айланган кабиналардан фойдаланилади.

Чангли, газли, иссиқ ёки очиқ жойларда ишлайдиган кранларда ойналанган, тирқишлари маҳкамланган, совутгич ва иситгичи бор кабиналар қўлланилади. Кабина ичидағи ҳаво температураси 22-26 °C бўлиши лозим. Кабинанинг ўлчами пол бўйича эни 1,1 м, узунлиги 2 м, баландлиги 1,8 м. Кабинанинг шифтида 0,5x0,5 м тешик бўлади.

Кранчи кран метал конструкциясига чиқиши учун кабинанинг эшигини ичкарига ёки ён бошга очиш керак. Очиқ кабиналарда полдан бошлаб 1 м баландликдаги тўсиклар бўлади. Кабина ўтиргичида ўтирган кранчининг иш майдонини кузатиш доираси куйидагича бўлиши керак:

О дан 60 ° гача - кранчини кўз сатхидан ўтган горизанталдан тепага;

О дан 90° гача - кранчини кўз сатхидан ўтган горизанталдан пастга;

О дан 135° гача - чап ва ўнг томонларга.

Бошқарув пултида хар бир қўл ва оёқ учун маълум иш таъйин қилинган:

- ўнг қўлга кўтариш ва тушириш;
- чап қўлга аравани юргизиш;
- ўнг оёқка кранни юргазиш.

Кранни бошқаришда кранчига кўп холларда бирор ердан туриб қўл ёки овоз билан маълум бир ҳаракат орқали ёрдам берилади. Бу ишда қийинчилик бўлган ҳолда телефон ёки радио орқали кранчининг ишини енгиллаштиради.

Кейинги вақтларда масофадан туриб бошқариладиган машиналар ишлатилмоқда. Бу машиналарнинг бошқарув пулти қўзғалмас ёки қўзғалувчан бўлиши мумкин.

Металлургия заводларида ана шундай қўзғалмас пултдан цехдаги ишларни бошқариб турилади. Бошқарув пултлари машина билан симлар орқали уланган ёки уланмаган бўлиши мумкин. Симлар билан уланган пултдан ҳар ҳил частотали сигналлар орқали бир неча машинани битта сим билан бошқариш мумкин. Битта симдан 20 ҳил частота билан сигнал узатиш мумкин. Бу бошқарувда 200...10000 ГЗ частоталар ишлатилади. Кўзғалувчан пултларда эса радио сигналлардан фойдаланилади.

Масофадан туриб бошқаришда ишнинг аниқлиги ва умумдорлиги ошади. Мехнат вақт, сарфи камаяди. Натижада иш операциясининг нархи арzonлашади. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштриш ЙКТТММ ларининг ишларини ҳам автоматлаштришни тақозо этмоқда. Бу машиналарда асосан электр симлари орқали бошқарувни ҳамда агрегатлараро ташиш ишларини автоматлаштрилмоқда.

Масалан, ЙКТМ ларидан тезланиш ва тормозлаш, ҳаракат тезлигини меъёrlаш жараёнлари, тўхташдан олдинги тезлигини аста пасайтиш ва юкни белгиланган жойда тўхтатиши ишлари автоматларга юкланган. Юкни исталган жойга тезликни пасайтириб бориб тўхтатишини автомалашибтириш, ишларни каттароқ тезликда бажариш имконини беради ва машина иш унумини оширади. Бунда машиналар сонини озайтириш мумкин бўлади.

Ишлаб чиқаришни тўла автоматлаштиришда узлуксиз ишлайдиган ЙКТТММ катта рол ўйнамоқда. Бунда улар технологик жараённинг ажралмас қисми бўлиб келмоқда. Бу ерда технолог жараёнда қатнашаётган ҳамма ускуналарнинг ишлари тўла автоматлаштирилади. Лекин ЙКТТММ ларининг ишларини алоҳида ҳолатда ҳам тўла автоматлаштириш мумкин.

Масалан, юкларни қайта юклаш жойларида донни ёки шунга ўхшаш юкларни кемалардан тушуриб бошқа транспортга тўғридан тўғри юклаш ёки омборга жойлаш ишлари ЙКТТММ лар иштирокида тўла автоматлаштирилиши мумкин.

Осма занжирли конвеерлар орқали белгиланган манзилга юк жўнатиш ишлари ҳам кэнг қўлланилмоқда. Буларнинг ҳаммаси маҳсус дастур билан бошқариладиган қурилмалар билан амалга оширилади.

Дастурли бошқарувни амалга оширишни ҳар ҳил усуллари мавжуд.

1. Дастурни электромеханик ўчириғичлар билан бошқариш;
2. Дастурни магнит лентага ёки перифараторга ёзиб у билан бошқариш;

Саноат роботлари ва манипуляторлар.

Саноат роботи - юрвичи қурилма ва бошқарув қурилмасидан иборат. Манипулятор бу - ишчи қўл ҳаракатларини бажарадиган қурилма. У роботнинг иш бажарувчи органи (механизими)дир. Юрвичи қурилма роботни ҳаракатлантириб туради. Бошқарув қурилмаси манипулятор ва технологик ускунани бошқаради. У робот корпусига ўрнатилган ёки роботдан алоҳида бўлиши мумкин.

Булардан ташқари робот ва ташқи муҳит ҳолатини қўрсатиб турувчи ўлчов асбоблари ҳам бор. Оператор бошқарув пулти орқали роботга топшириқ беради, яъни дастурни киритади ва унинг ишини назорат қилиб туради. Эсловчи қурилма берилган дастурни сақлаш учун қабул қиласи. Ҳисоблаш қурилмаси берилган дастурни қайта ишлайди, яъни бир қанча математик ҳисобларни бажаради. Қилинадиган ишларнинг турларини, хажмини, тартибини белгилайди, қарор қабул қиласи ва қарорни сақлаш учун эсловчи қурилмага, амалга ошириш учун юритма ва ҳаракатларни бошарув блокига узатади. ЙХББ дан олинган қарор бўйича манипулятор, юрвичи қурилма, технолог ускуналарга буйруқ бериб уларни ҳаракатга келтиради. Манипулятор 7 та йўналиш бўйича ҳаракат қила олади. Унинг қўли звеноларининг ўлчамлари доирасида фазода исталган ҳолатни эгаллаши мумкин. Манипуляторлар одам учун мумкин бўлмаган жойлардаги ҳаракатларда (вакуум, радиация юқори ёки паст температура ва бошқа ҳолатларда) кэнг қўлланилади. Манипуляторда ҳаракатлар тишли ғилдираклар, ричаглар, гидравлика ва ҳаво орқали узатилади.

Манипуляторлар кузатув тизими билан ҳам жиҳозланган бўлиб, у системада тескари алоқани амалга оширади, яъни ижрочи механизмдан бошқарув қурилмасига ҳабар беради. Бунда ижрочи механизмга таъсир қилаётган кучлар ҳақида бошқарув қурилмага ахборот беради. Бошқарув қурилмаси унга мос равишда звенонинг бўладиган ҳолатини ҳисоблаб аниқлайди ва ўзгартиради. Бу тизимни икки томонли тизим дейилади. Бу тизимда ахборот ЙХББ дан ЙҚ ва ТУ га, ЙҚ ва ТУ дан ЙХББ га мунтазам келиб туради. Манипуляторнинг бошқарув тизими дастурий бошқарувдан иборат. Лекин у ўрганиш ва оператор бошқарув режимида ҳам ишлаши мумкин. Ўрганиш режимида оператор манипуляторни ўзи бошқариб керакли ишни бажаради. Бунда манипулятор звеноларининг ҳолати датчик орқали ЙХББга узатилади. У ерда улар кодланади. Кодланган ишлар ЭҚга сақлаш учун берилади. Янги дастур пайдо бўлади. Кейинчалик манипулятор ана ўша дастур бўйича иш бажариши мумкин. Роботнинг иш зонаси - бу робот қўли етадиган, яъни иш бажара оладиган фазонинг бир қисми. Роботнинг қўли механик, электромагнитли ва вакуумли бўлади.

Аҳоли турмуш даражасини кундан–кунга ортиб бораётганлиги, турли туман сифатли, ҳар томонлама қулай маҳсулотарга эҳтиёж ошаётганлиги саноатнинг ривожланиши, ўсиши тақоза этмоқда. Саноатнинг ривожланиши унинг механизациялашни ва автоматлаштиришни талаб қилмоқда. Булар эса ўз навбатда саноат роботларини жумладан, кўтариш –ташиш роботларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, конструкцияларни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Роботларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши ҳам иқтисодий ҳам техникавий ҳам ижтимоий томонга фойда келтиради.

Комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш.

Бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнини комплекс механизациялаш ва автоматкаштириш оқим чизиғи билан амалга оширилади. Бунда жараённи олдинма- кейинлигини ҳисобга олган тартибда технологик ускуналар шу жумладан, ЙКТТММ лар конвеер бўйлаб жойлаштирилади. Конвеер бўйидаги бирор ускуна масалан, ўювчи дастгоҳ тешикни очгандан кейин детални кейинги ускунага (силлиқловчи дастгоҳ) конвеер орқали ўтказади. Оқим чизиғи бўйича ишлайдиган заводлар ҳам бор.

Масалан, машинанинг поршенини ишлаб чиқарадиган заводда алюминий чушка омбордан паток линияга тушиб бу линияда эритилиб, қўйилиб, ишлов берилиб, упаковка қилиниб тайёр маҳсулотлар омборига терилади. Бу ерда одамнинг иши программа тузиш, программа бўйича станокларни ўрнатиш, созлаш ва ишга тушириш, иш даврида унинг ишларини кузатиб туришдан иборат. Поток линия детални кўтариш-тушириш, станокдан станокка узатиш каъби ишларсиз бўлмайди. Охирги пайтларда робот - автоматсозлик саноати тез ривожланмоқда ва юқорида айтилган ишларга робот автоматлар жалб қилинмоқда.

Робот - белгиланган дастур бўйича механик ишлари бажарадиган универсал машина автоматдир. Роботларни ҳар хил жараёнларнинг бажариш учун осон ва тез ростлаш мумкин.

Бошқарув тизими бўйича санаот роботлари уч авлодга бўлинади:

1. Перфолента ёки магнит лентага ёзилган қатъий дастур бўйича ишлайдиган робот-манипулятор. Бу роботлар рақамли дастур билан бошқарилади. Бунда бажарадиган ишни ўзгартириш учун дастурни ўзгартирилади. Лекин ишлаб чиқаришда шундай жараёнлар борки уларни қатъий дастур билан бошқариш қийин.
2. Электрон ҳисоблаш машина орқали бошқариладиган - робот манипулятор. Улар қисман адаптация (атроф муҳитни ҳисобга олиб унга мослашувчанликка) хусусиятига эга. Иш жараёнида назорат қилинаётган параметрлардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборотни тўплайди, қайта ишлайди ва унга ўз ишини мослайди, яъни, ўша муҳитга мослашади.

Робот ва манипуляторлар

3. Сунъий ақл элементли электрон ҳисоблаш машина орқали бошқариладиган манипулятор. Улар тўла адаптация хусусиятига эга, яъни улар сунъий сезги системаси ёрдамида (эшитиш, кўриш, сезиш ва бошқа) ўзгараётган ҳолатни миясига қабул қиласди, қайта ишлайди, қарор қабул қиласди ва ишчи механизмга буйруқ беради, шунингдек иш жараёнида тажриба тўплаб билимини оширади, яъни мустақил илм олади. Бу уччала авлодлар бир бирини мустасно қилмайди, ҳар бири ўзи керакли жойда ишлайверади.

Назорат саволлари:

1. Манипуляторларни аниқлиги дэгандан нимани тушунасиз?
2. Геометрик, кинематик ва динамик хатоликлар нималардан иборат?
3. Манипуляторларнинг аниқликлари қандай ҳисобланади?
4. Аниқликни ҳисоблашга мисол келтиринг.
5. Манипуляторларни бошқариш қандай амалга оширилади?
6. Робототехникада сезгирилик ва мослашиш нималарга боғлиқ?
7. Ишлаб чиқаришда қандай ноаниқликлар бўлиши мумкин?
8. Қандай роботларга Бошқаришли роботлар дейилади?
9. Информацион системаларга мисоллар келтиринг.
10. Локал ва тактик сенсор қурилмалари нималардан иборат?
11. СРларини компоновкасига мисоллар келтиринг.

1. ДАСТ- Давлат Стандарти.
2. Бадя – Алоҳида ишловчи идиш.
3. База – асос.
4. Балка – Тўсин.
5. Ванта – вертикал вазиятда ушлаб турувчи арқон.
6. Восита – Мослама.
7. Гусениали кран-Ўрмаловчи занжирли кран.
8. Инструкция – Кўрсатма.
9. Кантовка –Юкларни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга маҳсус мосламалар, механизмлар, кранлар ёрдамида ўтказиш, айлантириш, ағдариш, талаб ҳолатига келтириш.
10. Клапан – клапан, қопқоқча.
11. Клейма – Тамға.
12. Колонна – Устун.
13. Консол- Тузилмадан чиқиб, осилиб турувчи ва айрим ҳолларда юк қабул қилувчи қисми.
14. Конструкция – Тузилма.
15. Кулачок – муштумча шаклидаги деталь.
16. Манёврчанлик- Турли ёъналишлар бўйича эркин ва қулай харакатланиш.
17. Маркировка – Белгилаш, тамғалаш.
18. Мачта – Баланд устун.
19. Муфта-Хар-хил диаметрдаги валларни бир-бирига бириктирувчи восита.
20. Обойма – Илгак траверсаси ва блок ўқлари жойланадиган икки томонлама ҳалқа.
21. Перекрития – Ора ёпма.
22. Планка – планка, узун тахтacha.
23. Поддон – Тагдон.
24. Покритий – Тепа ёпма.
25. Прогон – прогон, (иншоотда: таянч, учтун).
26. Просесс – жараён.
27. Пульт – бошқарувчи қурилма.
28. Редуктор – Айланишлар сонини камайтириб берувчи қурилма.
29. Рим – Редуктор ва моторларни кўтаришга мўлжалланган ҳалқа қисм.
30. Сварщик – Пайвандловчи.
31. Сигнал – Кран бошқарувчиси ва монтажчилар орасидаги алоқани ўрнатувчи, буйруқ берувчи қўл харакати (қизил байроқча билан).
32. Слэсар –Чилангар.
33. Собачка, трещётка- Тишлик ғилдиракнинг орқага айланиб кетмаслиги учун, унга тиргаклаб қўювчи қисм (деталь).
34. Стрела – Краннинг юк кўтарадиган хартумсимон қисми.
35. Стрелка – кўрсаткич.

36. Строп – Осма эгилувчан восита.
37. Тара – Идиш.
38. Тормоз – машинани секинлатадиган ёки тўхтатадиган мослама.
39. Траверса – траверс, бирор нарсани маҳкамлаш ёки осиб қўйиш учун кўндаланг қўйилган нарса ёки темир мослама.
40. Троллей – Ток ўтқазувчи сим.
41. Труба – Қувур.
42. Узел –Боғлам.
43. Унификасиялаш – Бирхиллаштириш.
44. Форсунка – форсунка, суюқ ёхуд кукунсимон моддаларни пуркаб берувчи мослама.
45. Ҳарактеристика – тавсифлаш, таъриф, тавсиф, баҳо, хусусият.
46. Хроповик – тишли ғилдирак.
47. Сапфа – Ўқ ёки валнинг подшипникда айланувчи қисми, бўйни.
48. Шестерня – шестерня, кичик тишли ғилдирак.
49. Шпилька – деталларни бириктириш, маҳкамлаш учун маҳсус мих.
50. Шпонка – шпонка, қурилмалар қисмларини бир-бирига мустаҳкамлайдиган деталь.
51. Штир – Тифиз.
52. Штусер – Сирти резьбали калта қувур парчаси.
53. Эксплуатасия – Ишлатиш.
54. Якорь-Ўрнатилган тузилма, лебедка ва бошқа жиҳозларни ташқи тортувчи юк таъсирига қарши ушлаб турувчи мослама.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-хукуқий хужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 март “2015-2019 йиллар учун таркибий ислоҳотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-4707-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрь “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3408-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май

Робот ва манипуляторлар

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июнь “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 397-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

22. Абдугаффаров Х.Ж., Сафоев А.А. ва бошқ. «Конструкцион материаллар технологияси». Дарслик. Т.: Адабиёт учқунлари, 2018. - 172 б.

23. Hwanki LEE. Yigirish jarayonida siafat nazorati va toъqimadagi nuqsonlarning oldini olish. Оъкув qo’llanma. – Seoul, Korea.: Thinkbook Company, 2015. - 288 b.

24. Purushothama B. Work Quality Management in the Textile Industry. Elsevier Science Limited. Ingland 2013.

25. Safoev A.A., Abdugaffarov H.J. “Mashinasozlik tehnologiyasi va loyihalash asoslari” T. “Sano-standart” 2014. - 288 b.

Робот ва манипуляторлар

26. Salimov A., Wang Hua, Tuychiev T., Madjidov Sh. Technology and equipment for primary cotton processing. / Ўқув кўлланма. Донгхуа, Хитой – 2019. – 189 б.
27. Tünde Kirstein. Multidisciplinary Know-How for Smart-Textiles Developers. Elsevier. Swetherland, 2013.
28. Xiaoming Tao. Handbook of Smart Textiles. Springer. Germany. 2015.
29. William D. Callister, Jr., David G. Rethwisch. Materials science and engineering /Wiley and Sons. UK, 2014. – 896 b.

IV. Интернет сайtlар

30. <http://edu.uz>.
31. <http://lex.uz>.
32. <http://bimm.uz>.
33. <http://ziyonet.uz>.
34. <http://natlib.uz>.
35. <http://isicad.ru/ru>.